

Ал-Бухорий Ислом марказида ийд Рамазон ҳайити намози ўқилди



04:32 / 04.05.2022 1366

Жорий йилнинг 2 май куни Ал-Бухорий Ислом марказида ийд Рамазон ҳайити намози ўқилди.

Ўзбекистоннинг Америка ва Канададаги элчиси Жавлон Ваҳобов юртдошларимизни ҳайит айёми билан табриклаб, Ўзбекистондан келган уламоларимизга ўз самимий миннадорчилигини билдириб, ташаккурнома ва сертификатлар билан тақдирлади.

Шунингдек, элчихона номидан Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров ҳазратларига ўз ташаккурномаларини билдириб ўтди.

Байрамда юртдошларимизга ош дастурхони ва ҳар хил ширинликлар ҳамда кичкинтой болажонлар учун батут сайли уюштирилди.